Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 4 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 42 (6938)

Da'vat

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим.

Гераклит.

Ibrat

Шаҳрисабз туманидаги 32-ўрта мактаб донгдор илм масканларидан ҳисобланади. Таълим ва тарбия соҳасида эришилаётган самарадорлик туфайли довруг таратган ушбу мактаб жамоаси учун яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди — мактаб ЮНЕСКО ташкилотининг «Бирлашган мактаблар дастури»га аъзо бўлди.

O'zbekiston — Qozog'iston

РАВНАҚ ТОПАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Қозоғистон Республикасига расмий ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида ушбу ташрифдан кўзланган мақсад хусусида жумладан шундай деди:

— Ташриф давомида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шериклик алоқаларини мувофиқлаштириш, сармоя киритиш, транспорт, божхона ишлари ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Шу ўринда, мазкур ҳужжатлар ўзаро алоқаларимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилажагини айтиб ўтмоқ лозим.

Шунингдек, Президент минтақада хавфсизлик масаласи хусусида ҳам тўхталиб ўтди ва шундай деди:

— Умуман, минтақада хавфсизлик масаласи ҳаммамиз учун ҳам муҳим. Ўзбекистон, Қозоғистон ёки Қирғизистонга қандайдир ташқи хавф туғилгудек бўлса, бунинг ҳаммамизга таъсири борлигини унутмаслигимиз керак. Афғонистонда кечаётган воқеаларга муносабат билдиришда ҳам худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб гапириш лозим бўлади. Қозоғистонда бўлажак музокаралар давомида ушбу масала юзасидан ҳам ўзаро келишиб олинади. Афғонистонда юз бераётган воқеаларга биз ўз муносабатимизни яқинда Ашгабадда бўлиб ўтган саммитда аниқтиниқ баён қилган эдик. Шу ўринда бир гапни айтиш керак, деб ўйлайман, яъни юртимиз хавфсизлиги, халқимиз тинчлигини таъминлаш борасида керакли чора-тадбирлар кўрилган.

Шу куни Қозоғистон Президенти қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ушбу музокаралар якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар тўғрисидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, савдо-сотиқ, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Сўнгра Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, халқларимизни янада яқинлаштириш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга «Алтын қиран» (Олтин бургут) орденини тақдим этди. Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар И. Каримов ва Н. Назарбоевнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.



БОЛАЛАРНИ СЎЛИМ ГЎШАЛАР КУТМОҚДА

Мана, хаш-паш дегунча, яна бир ўқув йили ҳам якун топди. Ёзги таътилга чиққан болажонларимиз энди би-ир яйраб дам оладиган бўлишди. Чунки уларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларида жойлашган кўплаб дам олиш масканлари шай қилиб қўйилган. Бу масканлар 6 июндан бошлаб болажонларни ўз бағрига олиши ва уларга оламжаҳон завқ бағишлаши, шубҳасиз.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР МАСАЛАСИ

Дунёвий билимлар ичида шундай фанлар, аниқроғи, билимлар борки, уларни алоҳида атама билан «оммавий билимлар», десак хато бўлмайди. Масалан, киши химиянинг энг оддий қонуниятларини-да билиб, ўз касбининг моҳир устаси бўлиши, бекаму кўст ҳаёт кечириши мумкин. Бироқ ҳуқуқини, шу баробарида бурчини билмаган киши ҳеч қачон мустақил юртнинг ҳур, фидойи фарзанди бўлолмайди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республика ҳуқуқ тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир», деди. Шу оддий сўзлар ортидаги маънога назар солсак, унда давлатимизнинг барча бошқа давлатлар қаторида тенг ҳуқуқлилигидан то ҳар бир фуқаросининг ҳақ-ҳуқуқларигача қамраб олинганлигини кўрамиз.

Хўш, масала ўртага қўйилди. Энди нима қилиш лозим? Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати мажлиси кун тартибига қўйилган «Халқ таълими ходимлари, талабалар ва ўқувчилар ҳуқуқий тафаккурларини юксалтиришга қаратилган қўшимча чоралар тўғрисида»ги масала муҳокамасида ҳам айнан шу саволга жавоб изланди, таклифлар айтилди, тадбирлар белгиланди.

Таълим соҳасида мазкур йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дарслиги яратилиб у фан сифатида ўқитилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцион ҳуқуқ асослари» 34 соатлик факультатив курслари жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июндаги «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида»ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида тизим муассасалари учун ҳуқуқий таълим тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда.

Вазифанинг бажарилиши таълим муассасаларига нақадар боғлиқлигини сўзга чиққанлар қуюнчаклигидан, бу борадаги муаммоларнинг ҳамда улар ечимининг очиқ-ойдин айтилишидан билиш мумкин эди. Ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳуқуқий тарбияни, билимни болалар боғчаларидаёқ ўргатишни бошлаш керак, деди. Ва у қай тарзда бўлиши лозимлигини қуйидагича изоҳлади:

— Дейлик, бола боғчасидаги дарахт шохини синдирди, унга дарахтлар давлат ҳимоясида эканлиги ёки бўлмаса уларнинг экологияга таъсири хусусида маъруза ўқиш шарт эмас. Бу тушунчаларнинг барчасини биргина «ёмон»сўзида ифодалаш лозим. Аксинча ҳолатларда эса «яхши» дейиш кифоя.

Умумтаълим мактабларида, билим юртларида, олий ўқув юртларида ўқувчи талабаларга ҳуқуқий таълим бериш муаммолари хусусида гап кетганда, биринчи галда ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари масаласи кўндаланг қўйилди. Негаки, таҳлиллар бу фанни умуман ундан йироқ бўлган фанлар ўқитувчилари ўтаётганлигини кўрсатмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолда мазкур фанни ўқитишни талаб даражасида олиб бориш мумкин эмас. Демакки, биринчи галда кадрлар масаласини ҳал этиш керак. Бу борада кўпчилик сўзга чиққанлар малака ошириш курсларида уларни қайта тайёрлашни, бу фанни ўқитишни тарих ёки география фани ўқитувчиларига беришни, бу соҳа бўйича кадрлар тайёрлашни юридик институтида тайёрлашни йўлга қўйишни таклиф сифатида айтишди.

— Мазкур масалани нақадар тезроқ ҳал этиш кераклигини назарда тутсак, — деди вазир Ж. Йўлдошев, — **ҳозирда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз лозим. Юқорида кадрлар, уларни қайта тайёрлаш хусусида таклифлар бўлди. Аввало республика бўйича бу фанни ўтаётган ўқитувчилар тўғрисида дарҳол маълумотнома тайёрлашимиз керак. Ундан сўнг ёзги таътил даврида Марказий ҳамда вилоят малака ошириш институтларида бир ойлик курслар ташкил этиш керак. Уларда маъруза ўқиш учун Республика Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ходимларини жалб этиш режасини тузиш лозим.**

Муҳокамада сўзга чиққан Тошкент юридик институти проректори Ж. Тошқулов юрист-педагоглар тайёрлаш хусусида гапириб, бу борада институтда бирмунча ишлар қилинганлиги, лекин шу мақсадда махсус бўлимга қабул қилинган талабаларнинг бошқа факультетларга ўтказилишини сўраб ариза ёзганлигини айтди. Шу ўринда бир савол туғилади. Нега ҳар доим ҳам шу институтга талаб катта бўлиб келгану, юрист-педагоглар тайёрлаш бўлимидаги талабалар бошқа факультетларни хоҳлаб қолиш-

(Давоми 3-бетда).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР

«Маърифат» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этаётганидан хабарингиз борми?

Агар сиз таълим тизимидаги муҳим ўзгаришлар, фан-техника соҳасидаги илғор янгиликлардан бехабар қолмай десангиз обунага шошилинг!

Индексимиз: Якка тартибдаги обуна бўлувчилар учун — 64595

Корхона ва ташкилотлар учун — 64683.

КЎЗГУДА ҚАШҚАДАРЁ ТАЪЛИМИ 2-бет.

УСТОЗЛИКНИ ЭПЛАЙ ОЛАЯПМИЗМИ? 3-бет.

Yangilik

МУРАББИЙ СОАТИ

Ёшлар қизиққон бўлади дейишади. Ёшликдаги ана шу фазилатлар талабаларнинг муҳим жиҳатларидан бирики, улар теварак-атрофда бўлаётган воқеаҳодисаларга бефарқ бўлолмайдилар. Яхшиликдан севинадилар, ёмонликдан куюнадилар. Энг асосийси, ана шу фазилатларни сўндирмаслик. Уларни қўллаб-қувватлаш, фақат билими учун эмас, инсонийлик фазилатлари учун ҳам рағбатлантириш зарур... Шундай қилинса талабага фақат билим берибгина қолмай, уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига ҳам фойдалироқ бўлур эди.

Қолаверса, бу фикримнинг қанчалик тўғри, нотўғрилигига тенгдошларим, талабалар ҳаётидан ҳикоя қилмоқчиманки, бунга ўзларингиз ҳам амин бўласизлар. Яқиндан бошлаб бизнинг Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факультетида «Мураббийлик соати» дарслари ўтила бошланди. Мавзу ҳаётий воқеалар ва уларга талабаларнинг қарашлари, мулоҳазалари, мунозаралари.

Куни-кеча бўлиб ўтган бир дарс ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчимаан. Дарс «Меҳр-оқибат нима?» деган мавзуда бўлди.

Дарсни ўқитувчимиз «Ҳаёт ва қонун» журналида (N6 1996 йил) босилган «Хонадонингизда қиз ўсаяпти» мақоласи билан таништиришдан бошлади. Мақолада ота-она ўзи емай, едириб,ўзи киймай, кийдириб қиз ўстирганию қизи эса бир йигитга алдангани, пировардида ота-она юзини ерга қаратганлиги ҳикоя қилинади. Барча талабалар ўз фикрларини билдиришга ҳаракат қилишди. Кимдир бунга қизнинг ўзи айбдор, у бойликка учган, деди, бирови йигитни номардликда айблади. Яна кимдир ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига бефарқлиги оқибатида шу каби воқеалар кўпайиб кетаяпти, деди.

Шунингдек, дарсда икки ўхшаш тақдир эгалари ҳақида, яъни «Ишонч» газетасида (N97 1996 йил) босилган «Сиз менинг онаммисиз?» мақоласида ҳикоя қилинган «болалар уйи» болакайлари қалбидаги ғалаёнлар ва «Маърифат» газетасида (N23 1996 йил) босилган «Меҳрга зор қариялар» мақоласидаги «Меҳрибонлик уйлари»да меҳрга зор қариялар ҳақида қизғин баҳс бўлди. Уларнинг иккаласи ҳам тирик етимлардир. Ота-она ўғил-қизлари бўла туриб, умрларининг энг осуда дамларини бу ерларда ўтказишаётганлигининг асл моҳияти қанақа деган савол барча қатори талабаларни ҳам ўйга солиб қўйди.

Бу гапларни айтишимдан мақсад шуки, бугун куюнчаклик билан фикр юритаётган ёшлар бор экан, келажакка яна бир карра ишонгинг келади. Бунинг учун уларга ғоявий раҳнамо бўлса бас. Маънавиятга, ахлоқ-одобга доир дарслар кўпроқ бўлса янада яхшироқ бўлур эди.

Дилшод РАСУЛ ўғли,
Тошкент Молия институтининг
II-босқич толиби.

Xabaringiz bormi?

ҲОКИМЛАР ЭЪТИБОРИГА

Қўрғонтепа тумани ҳокимияти ўрнак бўларли ишга қўл уришибди — туманда яшаб ўтган фидойи ўқитувчилар: Солижон Исмоилов, Абдўҳаким Чўтбоев ва Араббой Мамасолиевлар номида алоҳида-алоҳида мукофотлар таъсис этишибди. Ҳар бири энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бўлган бу мукофотлар йилда бир марта «Энг яхши бошланғич синф ўқитувчисига», «Энг билимдон фан ўқитувчисига» ва «Энг илғор мактаб раҳбарига» насиб этади.

«ЙИЛ ЎҚУВЧИСИ» ҲАМ БОР

Сўнгги пайтларда маориф тизимида ўтказилаётган «Йил мактаби», «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» сингари кўрик-танловлар анча машҳур. Лекин Избоскан тумани ҳокими Саъдулло Бегалиев ташаббуси билан туманда икки йилдан буён «Йил ўқувчиси» танлови ҳам ўтказиб келинаётганини кўпчилик билмаса керак, деб хабар қилади избосканлик муаллима Муборак Каримова.

❀ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир Ў. Султонов раислигида иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни инвентаризациялаш республика комиссияси ҳамда банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди.

❀ Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазири Карл Дитрих Шпрангер ўзбекистонлик ва хорижий журналистлар учун матбуот конференциясида ўз ташрифи самарали ўтганлигини таъкидлади.

❀ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 3 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилаганда 1 АҚШ доллари 61 сўму 12 тийинга тенг бўлди.

JUMLADA JAHON

❀ Афғонистонда Толиблар шимолдаги мавқени тиклаб олиш мақсадида жалб этаётган жанубдаги кучларнинг ўзаро қўшила олмаётганлигига мухолифатдаги кучларнинг шимолдаги кучларни яккалаб қўйганлиги сабаб бўлмоқда.

❀ Россия билан Украина Қора денгиз ҳарбий кучларини тақсимлашга оид ахдлашувларга эришган бир чоғда Грузия раҳбари Э. Шеварднадзе Қора денгиз ҳарбий кучларида ўз мамлакати улуши ҳам борлигини айтиб чиқмоқда.

❀ Францияда бўлиб ўтган парламентга сайловларнинг дастлабки натижаларига кўра социалистлар раҳбарлигидаги сўл марказчи кучлар қўли баланд келаётганлиги боис Социалистик партиянинг раиси мамлакатнинг янги Бош вазири бўлиши кутилмоқда.

ХАБАРЛАРИ — МММ

БИЛИМЛАР БАЙРАМИ

Яқинда Низомий номидаги ТДПИда Республика олий ўқув юртлари талабаларининг иккинчи тур олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Педагогика, психология, қозоқ тили ва адабиёти фанлари бўйича ўтказилган ижодий баҳсда 17 олий ўқув юртидан иқтидорли талабалар қатнашишди. Психология фани бўйича 1-ўрин Д. Акимова (Низомий номли ТДПИ), 2-ўрин А. Гараева (Навоий ДПИ), 3-ўрин С. Абдуназарова (Термиз ДУ)ларга насиб этди.

Педагогика фани бўйича Мамадалиева Севара (Низомий номли ТДПИ), Хусанова Гулойим (Термиз ДУ), Чўтбоева Шаҳло (Навоий ДПИ)лар фахрли ўринларни эгаллашди.

Қозоқ тили ва адабиёти фанлари бўйича эса ғолибликни Уташева Бибисора (Низомий номли ТДПИ), Нургириева Голия (Нукус ДУ), Унгенова Гулмиралар қўлга киритишди.

Олимпиада ғолиблари фахрий дипломлар билан мукофотланди.

Э. АСОМИДДИНОВ.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон билан Германия давлатлари ўртасидаги дўстона алоқалар йилдан йилга такомиллашиб бораётир.

Яқинда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида германиялик меҳмон, немис тили бўйича етук мутахассис жаноб Волфганг Хайнц билан институт тинловчилари ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам шу ҳамкорлик самарасидир.

Меҳмон Германия таълим тизимидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб бераркан, илғор немис тажрибаси тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Д. ЖАЛИЛОВА.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

«Аскари бақувват мамлакат бой бўлади...» деган эди соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари. Шу боис яқинда Урганч шаҳридаги «Олимпия» ўйингоҳида республикада ҳарбий таълимга йўналтирилган лицейларнинг талабалари ўртасида «Амир Темур авлодлари» деб номланган ҳарбий спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ватанимизнинг бўлғуси ҳимоячилари ўзларининг чинданам бақувват эканликларини намойиш этдилар.

М. ОЛЛОБЕРГАНОВ.

«ЯХШИДАН ОТ ҚОЛАДИ...»

Ғаллаорол тумани Ш. Рашидов номидаги 73-ўрта мактабда меҳри дарё ўқитувчи Ҳайитгул Алиқулованинг хотирасига бағишлаган кеча бўлиб ўтди.

Кечада марҳума руҳини шод этиб ҳамкасблари тўлқинланиб гапирдилар, шогирдлари соғинч шеърларини айтдилар.

А. ДОНАБОЕВ.

Sport

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ...

Футболда камдан-кам учрайдиган қизиқ ҳол — 1991 йил 21 апрелда «Динамо» (МН) — «Помир» учрашуви 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугаган. Шуниси ажабланарлики, тўрттала тўпни ҳам исми ва фамилияси бир хил ҳарфлар билан бошланадиган ўйинчилар киритган. «Динамо»дан М. Мархель, В. Величко. «Помир»дан эса — А. Абдураимов, М. Муҳаммадиев.

ХУНУК РЕКОРД

1984 йил С. Андреев рақиб жамоалар дарвозасига 19 тўп киритиб, олий лига тўпурари бўлади. Бироқ шу йили жамоадошлари хунук рекорд ўрнатишди. Ростовликлардан А. Андрюшенко ва Ю. Ключников ЦСКА билан учрашувда, А. Шулаев ва Н. Курятников «Пахтакор» билан ўйинда, Ю. Ликов «Днепр» билан, В. Шчербак эса «Динамо» (Москва) билан учрашувларда ўз дарвозаларига 6 та тўп киритиб қўйишди.

АШ-Ш-ШАДДИЙ ИШ-Ш-ШҚИБОЗ

Дунёдаги «энг тўполончи бола» инглиз ишқибозларининг сардори Пол Скаррот бўлса керак. У ўн ёшидан бошлаб ўйингоҳларда жанжал чиқаришни одат қилиб олган. Ўзига дунёдаги энг буюк футбол безорисиман, деб баҳо беради. Тўғрида, у ўйингоҳда кўрсаттан «ҳунарлари» учун ўттиз маротаба қамоққа тушган. Ўйингоҳга кириш ман қилинганларнинг «қора руйхати»да карвонбошилик қилади. Оиласи бечора, тўполончи ўғлимнинг ёши 44 га бориб қолди, қачон қўйиларкан-а, деб ўтиргандир.

БРЮС ЛИНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Алоқлаб бораётган XX аср каратэсининг энг ёркин юлдузларидан бири Брюс Ли 1973 йил 20 июлда Гонконгдаги уйида сирли алфозда дунёдан ўтади. Ўшанда у 32 ёшда эди. Таниқли киноактёр ва спортчининг ўлими турли миш-мишларга сабаб бўлади. Брюс Ли ҳаёти тўғрисида унинг яқин дўсти Чак Норрис ўз китобида қизиқарли ҳикоя қилган. Аммо якунида: «Брюс Ли таблетка ичиб ўлди», — деб ёзади. Кўпчилик бу фикрга унчалик қўшилмайди. Брюс Линнинг жасадини текширган шифокорларнинг фикрича, у мия шишидан нобуд бўлган экан... Яна бировлар уни отиб ўлдиришган дейишса, бошқаси ўз кучи танасига сиғмаган, дейишади. Хуллас калом ҳозирга қадар Брюс Линнинг ўлими сирлилигича қолмоқда.

МАЙДОНДА КАРАТЭЧИЛАР

Яқинда Андижонда каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Ўта муросасиз ўтган беллашувлардан кейин голиб спортчилар аниқланди. Барча рақибларни доғда қолдирган Х. Жабборов ўз вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони деб топилган бўлса, 65 кг вазн тоифасида самарқандлик Бахтиёр Розиқов бешинчи маротаба мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди. Мутлақ чемпионлик учун бўлган баҳсларда А. Қаландаров биринчи, Б. Мардонов иккинчи, М. Мамажонов учинчи ўринларни эгаллашди.

maydonchasi

Xullas...

ҚЎЛДОШБОЙНИНГ ҚАЙҒУСИ

Шу йилнинг илк кукламида чоржўйлик чўпон Қўлдошбой Гелдиевнинг отарида ғалати ҳодиса содир бўлди. Сурув қатори тинчгина дала-даштга бориб-келиб юрган ола эчкиси икки бошли, саккиз оёқли ғаройиб улоқ туғди. Бу воқеа бутун Туркманистонда яшин тезлигида овоза бўлди. Эснаб юрган газетчиларга эрмак топилди. Йилнинг икки ой даштдаги отарига ҳар хил илмий гуруҳлар, чет эллик делегациялар, амалдорлар ёпирилиб кела бошлашди. Ҳаммани-нинг кўзида ҳайрат-ҳаяжон. Тилларда миш-миш. Фақатгина Қўлдошбой чўпон бир чеккада лоқайд, андек ғамгин турарди (Афтидан, у сурув қолиб, меҳмонларни боқиб қолганидан хафа эди). Ниҳоят, мухбирлардан бири машҳур чўпон Қўлдошбойдан юз берган воқеа хусусида фикр сўради. Қўлдошбой аввал елка қисди, лаб чўччайтди, охири тутила-тутила дардини айтди:

— Саккиз оёқ, икки бошни битта улоққа исроф қилмай, ҳамишагидек эгиз улоқ бераверса бўлмасмиди? Ҳаммамиз шунча ташвишга қолдик.

ДАРСГА МАРҲАМАТ!

Томск шаҳридаги тергов қамоқхонасида сақланаётганлар айни кунда ҳар куни икки соат қишлоқ хўжалик мавзуи бўйича, икки соат тарих илмидан маърузалар тинглаётган эмиш. Маърузачилар кимлар эканлигини биласизми? Уларнинг бири Томск қишлоқ хўжалиги институтининг проректори, иккинчиси эса, Томск давлат университетининг профессори, тарих факультетининг декани экан. Бу азаматлар порахўрлик юзасидан айбланаётган бўлиб, терговдан бўш пайтлари ўз ихтиёрлари билан ўз соҳалари бўйича қизиқарли маърузалар қилишмоқда. Тергов қамоқхонасида ўтирганлар домлалардан миннатдор. Айтишларига қараганда улар маъмуриятдан ҳуқуқшунослик бўйича мутахассислар топиб келишни талаб қилишяпти. (Ҳуқуқшунослик билан қизиқувчилар булса, Томскка марҳамат!

ФАРАНГЛАРГА ҚАРАНГ,

уларнинг энг севимли овқати бақа гўшти экан. Шунинг учун ҳам мутахассислар сўнгги йилларда Франция ҳудудида сайроқи сув жониворлари камайиб кетганидан айюҳаннос солишмоқда. Энг ғалатиси шундаки, фаранг врачлари ҳамюртлари қўй гўшти туфайли аллергик касалларга чалинаётганини таъкидлашмоқда.

ana shunaqa gaplar

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Туйғуной Ниёзметова!

60 ёшингиз ва маориф соҳасида ишлаётганингизга 40 йил тўлганлиги муносабати билан А. Авлониий номидаги ХТХМОМИ ректорати, касаба уюшмаси ва институт жамоаси қутлайди. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва келажакда улкан зафарлар тилаб қолади.

Ҳурматли Тошқувват РАЖАБОВ!

Сизни табаррук 50 ёшингиз билан Иштихон тумани ҳокимияти ва туман халқ таълими бўлими ходимлари қизғин табриклайди. Сизга, оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ тилайди.

Xayr bog'cha, assalom maktab

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 554-болалар боғчаси 1985 йилдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Ушбу боғча тумандаги етакчи тарбия масканларидан ҳисобланади. Болалар инглиз тилидан ва лотин ёзувидан илк сабоқни мана шу ерда олишади. Ҳар йили 250 нафардан ошиқ кичкинтой боғчадан мактаб остонасига кузатилади.

Куни кеча болалар боғчаси байрам тусини олди. Кичкинтойлар тайёрлаган «Хайр боғча, ассалом мактаб» дастури бу ерга ташриф буюрган ота-оналар ва тарбиячиларда ажойиб таассурот қолдирди.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Ko'ngil bitiklari

ҚЎШИҚ БЎЛАР...

Қўшиқ бўлар бир кун сўзларим
Тинглаб, қўмсаб қоларсан балки!
Самоларга етган бўзларим
Кириб борар қалбингга балки.
Сен кетдинг-у оппоқ қоғозга
Қўшиқ бўлди тўкилди фиғон
Сен кетдинг-у қаҳратон қишдек,
О, қалбимни музлатди ҳижрон.
Сен кетдинг-у қулади фалак
Вужудимни парчалар нолам.
Айттин ахир не қилмоқ керак
Юрагимда очилган лолам.
Мана, ўтди неча йил — замон
Ҳануз билмам недур гуноҳим.
Сени кутиб яшайман ҳамон
Ёлғиз хаёл бўлди паноҳим.

* * *

Оқ либосинг ярашди
Нозик-ниҳол қаддингга
Кетдинг содиқ қолмайин
Менга берган аҳдингга.
Аҳди ёлғон бўлган ёр
Ёнингда ёр муборак,
Бахт тилаб айтар алёр
Ишқингда ёнган юрак.
Йиғламадинг онангга
Керакмас, — деб — менга сеп.
Айтолмадинг янгангга
Мен Бурҳонни суйдим деб.
Аҳди ёлғон бўлган ёр
Ёнингда ёр муборак,
Бахт тилаб айтар алёр
Айрилиқдан қон — юрак.

Бурҳон Шермуҳаммад.

МАКТАБ ЛУҒАТИ

Директор — дарсларда ижодкорлик режаларига етакловчи, кузатувчи ташкилотчи, ориятли раҳнамо.

***

Мактаб — мамлакатнинг асосий келажагини таъминловчи ақлий бошқарма.

Дарс — дунёни ақл-ла режага солиш.

***

Хат — хотирани асрашга тайёргарлик.

Эргаш АТОЕВ.

Afsus

«ЎҒРИГИНА БОЛАМЕЙ»

Ургут шаҳрининг Навоий кўчасида яшовчи Рустам И. уйининг ертўласи эшигини бузиб кириб, у ердан 42 жуфт Туркияда ишлаб чиқарилган туфлилар ва 18 жуфт калиш ўғирлаган кимсани топиш учун ички ишлар ходимларига мурожаат қилди.

Тезкор саъй-ҳаракатлардан сўнг ўғрининг катта киши эмас, балки ёш болалиги маълум бўла бошлади. Не ажабки гумонлар тўғри чиқиб, шаҳардаги мактаблардан бирининг 7-синф ўқувчиси Х. А. далилий ашё билан қўлга тушди.

Ички ишлар бўлимининг тажрибали терговчиларидан бири унинг бу қилиғидан куйиниб, «Ҳай ўғригина боламей, ота-онанг, устозларинг қаёққа қаради экан, энди бу қилиғинг учун сени қамаб қўйсак, нафақат биздан, аввало улардан хафа бўласан» деди.

ПУЛ КЎРМАГАН ДИРЕКТОР

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги мактаблардан бирининг директори ўқитувчилар маошини олдию, уни очиқ тўрхалтага солиб, бозорни айлана бошлади. Ёш ўқувчиси сингари «мана менинг пулим кўп, кўрдингми», дегандек у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, аммо бирор сўм ҳам харж қилмади. Негаки пуллар бировларники эдида.

Шу дам денг, бозорда юрадиган олғирлардан бири унинг ортидан тушди. Изидан қолмай келаверди. Директор ҳатто буни ҳам унчалик сезмай, бамайлихотир яна икки-уч бор бозор айланиб қўйди. Ниҳоят чарчаб уйига кетаётганди, пана жойга боргач талончи ўзини намоён қилиб, тўппонча ўқталди. «Қани ака, пулдан чўзинг-чи, биз ҳам бироз яйрайлик», деб тепасида туриб олди.

Катта пулни кўриб кўзи чиқиб кетай деган босқинчи Х. Р. эса «Бопладим» деб, ўзи бопланиб қолганидан пушаймон бўлиб ўтирибди.

Дарвоқе, ушбу жиноятни очишда 53-ўрта мактабнинг ўқувчилари ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам беришди. Ш. Хониқулов ва Б. Худойбердиевлар босқинчи амакининг ўйинчоқ тўппонча кўрсатиб домланинг пулларини тортиб олишганини оқизмай-томизмай айтиб бердилар.

Ш. РЎЗИЕВ, милиция катта лейтенанти.

«Бойвачча» директор. «Ҳой биродар, бу пуллар менинг эмас, ўқитувчиларнинг маоши эди», деб тушунтиришга ҳам улгурмади, пуллар босқинчининг қўлида кетди.

Ички ишлар ходимлари тезкор тадбир ўтказишиб директорнинг тўғрироғи, ўқитувчиларнинг пулларини унга олиб беришди. Шунда милиция ходимларидан бири: «Домла, нега шунча пулни кўтариб юрибсиз» деганди, директор: «Ҳеч катта пул кўрмаганмиз-да, буни тортиб олишини ким билибди, жигар» деб қўйди.

Sport

ШИРМОНБУЛОҚДА ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

Инсон хотираси азиз деймиз. Оллоҳ уни аввало азиз ва мукаррам қилиб яратгани учун ҳам шундай. Айни чоғда оқибатли инсонларнинг меҳру муруввати, оқибати, эътибори туфайли бани башар фарзандининг хотираси эзозланади.

Яқинда ўзим туғилиб ўсган она қишлоғим — Ширмонбулоққа бориб ҳаяжонли, ибратли бир воқеанинг устидан чиқдим. 25-ўрта мактабнинг сўлим боғида Мирзақанд Сиддиқов хотирасига бағишланган анъанавий шахмат мусобақаси бўлаётган экан.

Мирзақанд бундан бир неча йил муқаддам автомобиль ҳалокати туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган. Раҳматли шахматга жуда ихлос қўйган, вилоят миқёсидаги мусобақаларда ҳам қатнашган. Ушбу мусобақани асосан Мирзақанднинг Раҳматилла Сотинбоев, Абдулла Холбеков, Тўлқин Қораев каби садоқатли синфдошлари уюштиришган. Ҳомий ҳам ана шулар эди.

Шахматга қизиқишимни билган ҳамқишлоқлар каминани ҳам беллашувга таклиф этишди. Бажонидил мусобақада қатнашаётган ўттиз иккита шахматчи сафидан ўрин олдим.

Ташкилотчилар олдида мусобақани бир кунда тугатиш муаммоси бор эди. Турнир тарзида ўйналса, мусобақа бир кунда тугамаслиги мумкин, олимпия усули қўлланса, яъни ютқазган чиқиб кетаверса, тасодифлар туфайли армонда қолувчилар кўпайиб кетарди. Охири ўйинчилар саккиз гуруҳга, тўрттадан бўлинишиб, ўйнайдиган бўлишди. Ҳар гуруҳдан биринчи, иккинчи ўринни олганлар ўйиннинг давом эттирарди.

Қўёш Чилустун тоғидан мўралай бошлаганда шахмат тахталари узра жанглар қизиб кетди. Ҳеч ким рақибини аяб ўтирмади. Ёшларнинг маҳорати анча ўсганига гувоҳ бўлдим. Улар қишлоқнинг мен билган уста шахматчиларини барвақт ортда қолдириб кетишди.

Шахматчиларда ҳазил-мутойиба кучли бўлади. Улар озгина мақтанишни, ўз ғалабасининг нашъу намосидан ғурурланишни яхши кўришади. Ушбу мусобақа ҳам бундан мустасно бўлмади.

Навбатдаги беллашувлардан бирида олдинги шундай анъанавий мусобақада фахрли иккинчи ўринни олган Носир Абдиевга рўбарў бўлдим. «Қўрқмай ўйнайверинг, мен сартарош эмасман!» деди у кулимсираб. Бу гапнинг маъносини тушунмай, рақибимга савол назари билан қарадим. «Хавфли ютуқ» деган ҳажвий ҳикоянгиздаги сартарошни айтяпман» деди Носир. Эсладим — ўша ҳажвияда қаҳрамон рақибини шахматда ютиб, сўнг соч олдиргани сартарошхонага киради. Мундоқ қараса, сартарош ҳозиргина ўзига ютқизган шахматчи экан. Сартарош ҳам ўз навбатида рақибидан боплаб ўчини олади...

Фақат Носиргина эмас, бошқа йигитларнинг ҳам шахмат билан бир қаторда илму маърифатга, адабиётга, мутолаага ҳам қизиқишларини билиб, мамнун бўлдим. Бу сеҳрли, жозибали ўйиннинг инсон маънавий дунёси ва камолотидаги ўрни, аҳамияти беқиёс эканлигига, бу ўйин бемалол мантиқ дарсининг ўрнини боса олишига, айрим хорижий мамлакатларнинг мактабларида шахмат бежиз ўргатилмаётганига яна бир карра ишондим.

Шахмат дунёдаги энг адолатли, ҳалол ўйинлардан бири. Озгина тойиб кетсанг, сал хато қилсанг аёвсиз жазоланасан. Икки марта рақибларимни менсимайроқ ўйнай бошладимми, дебютдаёқ сипоҳни олдириб қўйдим. Аммо кейин жон-жаҳдим билан тиришиб, зўрға ғалабага эришдим. Шунда ҳамқишлоқларимга бироз ҳазил қилгим келиб, шундай дедим:

— Дарров ютиб қўйгим келмади, озгина ўйин бўлсин дедим-да. Аслида менга муносиброқ қаршилик кўрсатишинглар учун битта сипоҳни олиб қўйишим керак экан!

— Шошилмай туринг, сизни ўзим тинчитаман! — деди қишлоқдаги эски рақибим Ўсмон.

— Қўявер, ўзим боплаб бурнингни ишқайман! — мен ҳам бўш келмадим.

Дарҳақиқат, ярим финалда иккала мақтанчоқ учрашиб қолдик. Ҳисоб-китобда хатога йўл қўйиб, ўйин бошидаёқ сипоҳни бериб қўйдим. Аммо рақибим моддий устунликдан фойдалана олмади. Камина бор маҳоратимни ишга солиб, рақибимга юқорида берган ваъдамни бажардим.

— Ёшингизни ҳурмат қилдим-да, яна — меҳмонсиз, — деди Ўсмон қизариб.

— Арпа уни баҳона бўлмасин! — деди кимдир.

Самимий кулишдик. Ўйин шу тарзда давом этиб, камина финалга чиқдим. Рақибимсмидим, ёш рақибимга эса бундай синов писанд эмас» дея армон қилдим. Ўсмоннинг «Ҳей Ботир, сен ўзингдан каттани ҳурмат қилмас экансан-да! деган беғубор ҳазили ҳам андак алам қилди. Ютқизганда алам қилмайдиган шахматчи шахматчи эмас-да. Шундай дея ўзимни овутдим. Начора..

Учинчи ўрин ўша чапани йигит Ўсмон Султонов, тўртинчи ўрин эса Ашурали Қораевга насиб этди. Совриндорлар махсус мукофотлар билан тақдирландилар. Шунингдек, энг чиройли ўйин кўрсатганга, энг ёш ўйинчига, шахматга энг ихлосманд иштирокчига ҳамда шахматга дахлдор саволларга тўғри жавоб берган ўйинчига ҳам мукофотлар берилди. Ташкилотчилар раҳматли синфдошнинг оиласини ҳам махсус эсдалик совғаси билан хушнуд этишди.

Ширмонбулоқда шу куни чинакам шахмат байрами бўлди. Ҳамманинг руҳи тетик, кайфияти кўтаринки эди. Қишлоқда ота-боболаримизнинг бу қадимий ўйини омалашиб бораётгани кўнгилда эзгу умидлар уйғотди. Эҳтимол мустақил юртимизнинг шон-шуҳратини оламга таратадиган машҳур спортчилар Ширмонбулоқдан ҳам етишиб чиқар! Ахир эндиликда довруғи етти иқлимга таралган машҳур санъаткор Муножот Йўлчиева, кўпгина қаламкашларга устозлик қилган ёзувчи Рустам Раҳмон ҳам худди шу қишлоқда туғилиб вояга етган-да! Орзуга айб йўқ, ўша қутлуғ кунларни кўришдай яхши ният доимо азиз ҳамқишлоқларимга йўлдош бўлсин.

Шодмон ОТАБЕК. Андижон вилояти.

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН



Улим ҳақ. Ҳа, инсон насибаси узилгунча яшайди. Куни кеча фарзандлари, набиралари даврасида ўтмиш хотираларини сўзлаб ўтирган табаррук инсон, хассос шоир ва ўткир публицист, Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Султон Акбарий 74 ёшида фоний дунёдан дорулбақога йўл олди.

Султон Акбарий ўзининг ажойиб инсоний хислатлари — меҳнатсеварлиги, камтаринлиги билан чексиз ҳурматга сазовор бўлганди. У ўқувчилик йилларида ҳаваскор мухбир сифатида ўзининг хабарлари, лавҳа ва очерклари билан газета ва журналларда ўқувчилар оммасига танилди ва йиллар ўтиб истеъдодли шоир, моҳир журналист бўлиб етишди.

1993 йилда Султон Акбарийнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилей тантанасида юртбошимиз Ислом Каримовнинг йўллаган табрикномасида таниқли шоир шаънига айтилган сўзлар, ҳамкасб адиблар, журналистлар томонидан билдирилган самимий юрак сўзлари ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

Султон Акбарий вилоят ва республика газета ҳамда журналларида масъул лавозимларда ишлади. Уз фаолиятининг сўнгги даври — 1968 йилдан 1986 йилгача у «Ўқитувчилар газетаси» («Маърифат»)да бош муҳаррир ўринбосари лавозимида сидқидилдан хизмат қилди. «Ёш ленинчи» («Туркистон») «Совет Узбекистони» («Узбекистон овози») газеталарида масъул котиблик қилиб катта тажриба тўплаган истеъдодли журналист маорифчилар газетасининг безатилиши ва мазмунан бойитилишига муносиб ҳиссасини қўшди. Айни чоғда у ёшларга оталарча мураббийлик қилиб, уларни ижодий фикрлашга, машаққатли касбда фидойилик кўрсатишга ўргатди.

Султон Акбарий «Тинчликни олқишлайман», «Ижодкорлар», «Кўнгил оҳанглари», «Меҳригиё», «Кўз ёши ва табассумлар» каби жами ўндан ортиқ шеърий тўпламлар ва достонлар яратган шоир, бир қатор асарларни ўзбек тилига ўтирган моҳир таржимон эди.

Яхшидан боғ қолади деган нақл бор халқимизда. Султон Акбарийдан ёдгор бўлиб ажойиб ашъорлари — шеър ва достонлари, романлари, унинг чиройини ёқувчи фарзанду набиралари қолди. Яхши амалларингиз ҳамроҳингиз бўлсин, охиратингиз обод бўлсин, азиз ҳамкасбимиз.

БИР ГУРУҲ УРТОҚЛАРИ.

ЭЪЛОН

Урта Чирчиқ туманидаги 29-ўрта мактаб томонидан Эшматов Нодир Эргашевич номига берилган АО 028435 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси «Маърифат» («Ўқитувчилар газетаси») газетаси собиқ бош муҳаррир ўринбосари, шоир Султон АКБАРИЙ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Маърифат» газетаси жамоаси шу газетанинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари, шоир Султон АКБАРИЙ вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғларига, оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва жамоат ташкилотлари ўзбек адабиёти кафедраси мудири вазифасини бажарувчи, доцент, филология фанлари номзоди Қурдош Қаҳрамоновга онаси Нозбуви ҚАҲРАМОНОВА вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6